

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-июнда шаҳарнинг асосий капитални кўпайтиришга 4886,3 млрд. сўм миқдорда инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 110,4 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	4886,3	110,4	100
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	667,8	120,5	13,7
бюджет маблағлари	241,3	129,7	4,9
давлат мақсадли фонд маблағлари	175,8	96	3,6
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	70,0	48,9	1,4
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	180,7	4,3м	3,8
Марказлашмаган инвестициялар	4218,5	109,1	86,3
корхоналарнинг ўз маблағлари	2138,1	113,5	43,8
аҳоли маблағлари	744,1	129,0	15,2
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	435,5	48,1	8,9
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	900,8	177,1	18,4


2017 йил январь-июнда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	4886,3	755,3	4131,0
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	42,4	47,3	41,5
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	56,5	51,5	57,4
Бошқа ҳаражатлар	1,1	1,2	1,1

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-июнга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 24,6 фоизга кўпайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 6,2 фоизга ошди ва бошқа харажатларнинг улуши 67,2 фоизга камайган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Уй-жой қурилиши
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида
- Ташиш ва сақлашда
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Қурилиш
- Профессионал, илмий ва техник фаолият
- Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-июнда умумий майдони 337,5 минг кв.м. бўлган 1442 та (2016 йил январь-июнга нисбатан 102,1 фоиз), уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 589,8 млрд. сўми ёки 46,5 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-июнда 2554,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 108,9 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 59,0 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 21,0 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 20,0 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 71,2 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 2430,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,1 фоизни (2016 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати -108,9 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

